

Д.Н. Хусанов,
катта-илмий ходим-изланувчи, ТДИУ

АГРАР СОҲАДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

В статье рассматриваются смысл и значение инвестиции также теоретический взглядов различных ученых. А также инвестиционное деятельности в сельском хозяйстве.

The article deals with the meaning and value of investments and the theoretical views of various scientists. As well as investment activities in agriculture.

Калим сўзлар: инвестиция, актив, реал инвестиция, молиявий инвестиция, қишлоқ хўжалиги, инвестицион фаоллик, деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги.

Аграр тармоқни барқарор ривожланишини таъминлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кенг қамровли тадбирларни мунтазам равишда ошириб боришни тақозо этади. Ана шундай муҳим тадбир ва йўналишлардан бири қишлоқ хўжалигида самарли ишлаш механизми мураккаб бўлган инвестиция фаолиятини ташкил этиш, инвестиция муҳити, жараён, салоҳияти, фаоллиги ва жозибадорлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, “Ватанимизнинг келажаги, унинг жаҳон иқтисодий алоқалари тизимидаги ўрни инвестицияларга боғлиқ бўлиб турибди”[1]. Шу нуқтаи назардан олганда, иқтисодиётни фаол ривожлантириш кенг миқёсдаги инвестицияларни талаб қилади.

узок йиллар мамлакатимизда иқтисодий назарияси ва амалиётида “инвестиция” ва капитал қўйилмалар тушунчалари бир хил мазмунда талқин қилинади. Аслида эса инвестиция тушунчаси капитал қўйилмалар тушунчасига нисбатан мазмун жиҳатдан кенгрокдир. Капитал қўйилмалар деганда асосий фондларни янгилаш ва кенгайтиришга сарф этиладиган маблағлар тушунилади.

Хорижий иқтисодий адабиётларда инвестиция муаммолари бўйича назарий тадқиқотлар собиқ Иттифоқ олимлари илмий ишлари билан солиштирилганда инвестиция моҳиятини ёритиб беришда анча кенг миқёсдаги ёндашувга эгаллиги тавсифланади. Инвестиция ва инвестициялаш муаммолари Дж.Кейнс, П.Массе, К.Макконел, С.Брю, Э.Долан ва бошқа олимлар илмий ишларида кенг миқёсда ёритиб берилган. Француз олими П.Массе ва инглиз олими Дж.Кейнснинг инвестиция моҳиятини аниқлашдаги мавжуд тафовутларда умумий методологик ёндашув ифодаланган.

Шундай экан, П.Массе ёзади: «инвестициялаш бугунги кундаги эҳтиёжнинг қондирилишини манфаат ёрдами билан унинг келажакда кутилаётганини алмашув актини ўзида ифодалайди»[2]. Ушбу таърифда инвестициянинг икки томонлама моҳияти – ресурсларга сарф ва бу сарфларнинг натижалари ёритиб берилган. Дж.Кейнс фикрича, инвестиция ушбу даврга даромадлар, яъни эҳтиёж учун фойдаланилмайдиган қисмини ўзида ифодалайди. Бу «алоҳида шахс ёки корпорациянинг қандайдир эски ёки янги мол-мулк харидини, қайсики янги

инвестициялар даромад ҳисобига турли кўринишдаги капитал мол-мулк харидини»ифодалайди[3].

Дж.Кейнс назариясида инвестиция ва жамғариш ўртасидаги алоқадорлик битта ҳодисанинг икки томони сифатида аниқ кўрсатиб берилган. Кейнс назарияси бўйича инвестициялаш мазмуни бўйича шундай хулоса чиқариш мумкинки, ривожланган иқтисодий тизимда инвестициялаш ва жамғариш категориялари алоҳида функциялари билан ажралиб туради. Жамғарманинг муайян қисмини бевосита инвестициялаш мумкин, бу асосий жамғарма кичик ва хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари маблағларининг қолган қисми келажакдаги сарфлар (истеъмол ва инвестицион) учун иқтисодий муносабат субъектларида сақланади. Кейнс одамларнинг жамғаришга бўлган мойиллигининг ортиб боришини уларнинг истеъмолга бўлган мойиллигининг камайишида деб билади. Унумли истеъмол молларига бўлган талабнинг пастлигига сабаб инвестицияларни рағбатлантиришнинг етарли эмаслигида деб билади. Унинг талқинидаги самарали талаб ҳажмининг етарли эмаслиги муқаррар равишда инвестиция жараёнининг сустлиги билан изоҳланади, бунга сабаб тадқиқотларнинг капитал қўйилмаларга камроқ қизиқишидир.

К. Макконел ва С. Брю инвестициянинг моҳиятини кейнсчилар моделининг идрокида деб билдилар, шунинг учун инвестицияни микроиқтисодий нуқтаи назардан қараб чиқадиладар[4]. Муаллифлар ўзларининг қарашларида «ялпи хусусий ички инвестициялар» тушунчасини «америкалик ишбилармон фирмаларнинг инвестицион сарфлари» деб айтадилар ҳамда улар қуйидагиларни ўз ичига олади: машиналарга барча охирги харидлар, барча қурилишлар, истеъмол қилинмаган маҳсулотлар.

Э.Д. Долан ва Д.С. Линдсейлар инвестиция моҳиятини микроиқтисодий нуқтаи назардан талқин қилиб, улар инвестициянинг мазмунини «шаклланаётган иқтисодий тизимда капитал ҳажмининг ўсиши, одамлар амал қиладиган ишлаб чиқариш ресурслари таклифини юксалишида» деб билдилар[5].

Хусусан Нобель мукофотининг иқтисодиёт бўйича лауреати бўлган У.Ф.Шарп ўзининг “Инвестиция” дарслигида “Инвестициялар келгуси қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматликдан воз кечишдир”, деб таърифлайди. Ушбу олим “Инвестициялаш” атамасини қуйидагича шарҳлайди: “келажакда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишдир” ва “реал ёки молиявий активларга инвестициялаш мумкин”[6] деб ҳисоблайди.

Россиялик иқтисодчи олим Е.В. Михайлова инвестиция тушунчасини “инвестициялар-келажакда даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида капитални ҳар қандай шаклда қўйиш сифатида ифодаланади”, деб таърифлаган. Бу таъриф умумий ва содда қилиб тушунтирилган бўлиб, бозор иқтисодиёти манфаатларига мос талқин қилинган[7].

Айрим иқтисодчилар эса “инвестициялар бу пул маблағлари сарфлари бўлиб, даромаднинг жорий истеъмолга эмас, балки келажакда янада юқорироқ даромад ёки ижтимоий самара топишдан иборат бўлган жами ижтимоий ёки яқка капитални такрор ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган қисми”[8] , деб қарайдилар.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д.Ғ.Ғозибеков ва Т.М. Қоралиевлар инвестицияни даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбиланморликнинг давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликлар деб таърифлайдилар[9].

Профессор Ш.Шодмонов ўзининг “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида инвестицияга қўйидагича таъриф беради “Инвестициялар асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кучайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги қўринишидир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар қўринишида амалга оширилади” таърифи бевосита инвестиция жараёнларини уларни сарфлаш нуктаи назаридан моҳиятини асослаб беради.

Профессор Н. Хайдаров инвестицияга қўйидагича таъриф берган “Инвестиция - бу инвестор (давлат, хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар)ларнинг ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини иқтисодий самара (тушум, даромад, фойда) олиш учун йўналтирилган қийматлар йиғиндисидир”[10].

Иқтисодчиларимиздан Д. Тожибоевнинг фикрича, инвестиция деганда келажакдаги натижа учун: ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки қайта таъмирлаш, маҳсулот ва хизматларнинг сифатини яхшилаш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишлари олиб боришга мўлжалланган молиявий ресурслар тушунилади [11].

Қишлоқ хўжалигидаги инвестициялар тўғрисида С. Р. Умаров шундай таъриф беради: “Инвестиция - бу келажакда фойда ёки ижтимоий самара олиш учун инвестор томонидан қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш мақсадида маълум бир муддатга сарфланган барча турдаги моддий - техник ва интеллектуал бойликлардир”[12].

Б.А.Абдукаримов, А.Н. Жабриев, М.К. Пардаевларнинг фикрича, «инвестиция – бу молиявий (пул) ёки реал капиталга маблағ қўйиш. У пул маблағлари, кредит, қимматбаҳо қоғоз шаклида олиб борилади ва кўчма, кўчма бўлмаган мол-мулкка, интеллектуал мулкка, неъматларга бўлган ҳуқуққа ва бошқа қийматликларга қўйилади, яъни корхонанинг барча активларига ишлатилади» [13].

Шунингдек, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида инвестиция иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар, деб таърифланган [14].

Юқоридагиларни таҳлил қилиб, “инвестиция” атамаси жуда кенг тушунча эга эканлигидан келиб чиқиб, унга таъриф бераётганда қишлоқ хўжалигида унинг барча жиҳатларини умумлаштирилган ҳолда қўйидагича таъриф бериш лозим.

Фикримизча, юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда инвестициянинг моҳиятига қўйидагича таъриф берамиз: инвестиция – бу узоқ муддатли ва капитал қўйилмаларни хавф-хатарга қўйиб (таваккал қилиб), тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида

ва бунинг натижасида фойда олиш ёки ресурслар потенциалининг чекланган шароитида келажакда бошқа фойдали самарага эришиш мақсадидаги иқтисодий категориядир.

Шу билан бирга аграр соҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, юқори сифатли маҳсулотларни кўпайтиришда қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Инвестиция фаоллигини ошириш бевосита инвестициялашнинг фундаментал тамойил ҳисобланган ва аниқ мақсадларда эришиш учун инвестиция киритиш, мақсадларини муросага келтириш, мувофиқлаштириш жалб этилган инвестицияларни жорий қийматини сақлаш, лойиҳани самарали амалга жорий этишни бошқариш тадбирларини қўллаш йўли билан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг фаолият турларига кўра инвестицион имтиёзларнинг фискал, молиявий ва бошқа шакллари ҳажмини кўпайтиришдан иборат.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини оширишни тартибга солиш масалалари қуйидаги тадбирлар орқали амалга оширилади:

- қишлоқ хўжалигида кредит ва солиқ имтиёзлари орқали тармоқлар, соҳалар ва алоҳида хўжаликлари капитал маблағлар билан таъминлашни рағбатлантириш;
- қишлоқ ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга тушириш учун инвестиция жараёнларини давлат томондан қўллаб-қувватлаш ва ҳоказо.

Аграр соҳада инвестиция фаоллигини оширишда инвестицион имтиёзларни қўллаш хусусий ва хорижий инвесторларни ушбу жараёнга жалб этиш уларнинг моддий манфаатдорлигига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда, тармоқда устувор аҳамиятга эга бўлган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги инфратузилмасини қайта таъмирлаш ва ривожлантириш, янги агро технологияларни жорий этиш, ички ва ташқи инвесторларга яратилган шарт-шароитлар кескин тафовутларга йўл қўймаслик ва берилаётган имтиёзлар иқтисодий жараён иштирокчиларни тўлиқ қаноатлантирмоғи лозим.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг қишлоқ хўжалигида бир қатор инвестиция фаоллигида доир ўзгаришлар содир бўлди.

- импорт бўладиган озиқ-овқат маҳсулотларини ўрнини қоплайдиган маҳсулотлар яратилди;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорти ошди;
- қишлоқ хўжалиги қорхоналарида янги иш ўринлари очилди ҳамда янги технологиялар жорий этилди;
- аграр соҳада инвестицион фаолликни оширишга қаратилган чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ҳамда жорий этилди.

Давлатимиз мустақиллика эришгандан сўнг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти йиллик ўртача ўсиш суръатлари 6.1% ни ташкил этди. Шу билан бирга тармоққа жалб қилинган капиталлар етарли даражада бўлмади. Бунинг натижасида маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ички бозордаги талаб, ички хўжаликлар, хўжаликлараро ва тармоқлараро муносабатларининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмади. Ер унумдорлигининг пасайишига, сув ресурсларидан оқилона фойдаланилмаганлиги, агротехнологик тадбирларни

ўз вақтида олиб борилмаганлиги ҳамда моддий техник базасини камайиши ҳисобига мамлакатимиз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқара олмади бунинг натижасида тармоқда инвестиция фаоллигининг маълум даражада пасайишига олиб келди. Юқоридаги ҳолатлар барча бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларнинг иқтисодиётига тегишлидир, лекин унинг таъсири мамлакатимизга камроқдир сабаби давлатимиз бозор муносабатларига ўтишда ўз тамойилларига асосланиб ўтилганлигидадир.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларига устуворлик берилиши самарали механизмларни босқичма-босқич жорий қилиниши натижасида инвестиция фаоллиги уларнинг манфаатларини ривожлантиришни тақозо этади. Аграр соҳада инвестицияларни жалб қилиш муаммоларини ҳал қилиш учун тармоқда инвестиция фаоллигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий ҳамда илмий-услубий моделларини ишлаб чиқариш талаб этилади. Ушбу модель вариантларининг энг мақбул йўналишлардан ҳисобланган инвестиция лойиҳалари ва дастурлари амалиётда синаб курилиб кейин жорий қилинмоқда. Лекин ушбу моделлар хўжаликлар доирасида ишлаб чиқилган уларнинг бозор тамойиллари асосида фаолият юритишлари учун инвестиция фаоллигини оширишга йўналтирилган илмий-амалий жиҳатдан асосланган дастурлар амалий тавсиялар талаб даражасида ҳали ишлаб чиқилмаган.

Аграр соҳада инвестиция фаоллигини оширишда асосий эътибор фермер ва деҳқон хўжаликларига қаратилмоғи лозим чунки ушбу жараёнга жалб этишнинг ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий механизмларини бозор муносабатлари талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш лозим. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг барча тоифаларини инвестиция фаоллиги уларнинг бошқа тармоқлар билан бевосита ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ва бир-бирини тақозо этишни назарда тутадиган бўлсак, улар билан инвестиция жараёнларини мутаносиблигини таъминлаш бўйича кенг қамровли амалий чора тадбирлар ишлаб чиқилмоғи лозим.

Аграр соҳада инвестиция фаолиятини таҳлил этиш ва фаоллигини ошириш бевосита амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Юз бераётган таркибий ўзгаришлар аграр соҳада самарали тизимни шакллантиришда давлатнинг ушбу жараёнга алоҳида эътибор қаратиб келаётганлиги маълум даражада тармоққа кескин салбий ҳолатларнинг содир бўлишини олдини олди ва бозор тамойилларини таъминлашнинг моддий асосларини вужудга келтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам аграр соҳада инвестиция фаоллигини оширишда амалга оширилган чора тадбирларни тарихий таҳлил нуктаи-назаридан ёндашиш орқали ўрганиш келажакда устувор йўналишларини белгилашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантиришда хўжалик юритиш субъектлари ўрни, роли, уларнинг бозор тамойилларига мос даражадаги фаолияти инвестиция фаоллигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида асосан инвестициядан фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъектлар бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги даврда фермер хўжаликларида инвестиция фаоллигининг суғлиги, авваламбор, ишлаб чиқаришга илмий-техника ютуқларини жалб этиш, ресурслар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини оширишга, пировардида эса, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини барқарор ривожланишини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, юқори унумли, замонавий асосий воситаларни сотиб олиш, қайта таъмирлаш, қуриш учун узок муддатли ва айланма маблағларига сарф қилинадиган қисқа муддатли инвестицияларни жалб этиш суръатлари ва уларнинг миқдорига боғлиқдир. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини оширишда узок ва қисқа муддатга жалб этиладиган инвестициялар нисбати ва миқдори ҳам муҳим роль ўйнайди. Тармоқда инвестиция фаоллигини ошириш учун эркин иқтисодий муносабатлар принциплари асосида фаолият юритаётган мамлакатлар ҳамда республикада шу соҳадаги илғор тажрибалардан қуйидаги тўрт гуруҳ йўналишида чора-тадбирлар тизимини асослашга уриниб кўрилди (1-расм).

Инвестициялашни молиявий маблағлари ва манбаларини аниқлаш ҳамда уларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлар яратиш	Самарли инвестициялашни таъминловчи бозор субъектларини шакллантириш ва уларни қўллаб қувватлаш	Реал инвестиция талабига мос ресурсларни жалб этишни таъминловчи макроиқтисодий муҳитни шакллантириш	Давлат томонидан инвестиция жараёни субъектларини рағбатлантириш
1	2	3	4
• хўжаликларни ички маблағлари; • хусусий шахсларники; • давлат бюджети маблағларини; • хориж компанияларининг маблағларини; • халқаро молиявий ёрдам маблағларини; • банк кредитлари.	• турли мулк шаклларида асосланган хўжалик юритиш субъектларини шакллантириш ва ривожлантириш; • қишлоқ хўжалигида хусусийлаштиришни давом эттириш; • тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни қўллаб-қувватлаш.	• аҳоли жамғармалари маблағларини инвестицияларга жалб этиш учун давлат томонидан қулай шарт-шароит яратиш; • жорий инфляция даражасини пасайтириш; • монополияга ва коррупцияга қарши иқтисодий сиёсатни амалга ошириш; • банк фоиз даражасини пасайтириш.	• барча ишлаб чиқарувчиларга капитал маблағларни жалб этишни иқтисодий рағбатлантириш; • самарли амортизация ажратмаси сиёсатини ўтказиш ва солиқ юқини камайтириш; • мақсадли инвестиция сиёсатини устувор йўналишларини шакллантириш; • лизинг муносабатларини ривожлантиришга амалий ёрдам кўрсатиш.

1-расм. Аграр соҳада инвестиция фаоллигини шакллантириш тизими [15]

Мазкур чора-тадбирларни амалга оширилиши тадқиқотда ўрганилган субъектларда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини ҳамда хўжаликнинг иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омили эканлиги аниқланди. Албатта, бундай чора-тадбирлар бозор муносабатларига зид бўлсада, ўтиш даври шароитида шаклланган мавжуд ҳолатни тўлиқ инобатга олиш қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариб кетишига йўл қўймаслик, энг муҳими тармоқнинг моддий-техника базасини ночор аҳволга келиб қолишини олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бироқ, республикада бундай инвестицион сиёсатни келажакдаги йўқлигини чуқур англаб етган ҳолда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш билан уларнинг мутаносиблигини таъминлашга катта эътибор қаратилди. Шунинг учун ҳам инвестиция фаоллигини оширишда қишлоқ хўжалигида инвестиция сиёсати

таркибий ўзгаришлар билан ўзаро мутаносибликда олиб бориш, зарар билан ишлайдиган хўжаликларни тугатиш самарали хусусий тармоқни вужудга келтирувчи ва юқори самар билан фаолият кўрсата оладиган фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш иккинчи, муҳим ва бугунги кунда амалга оширилаётган йўналиш ҳисобланади. Умуман аграр соҳани ривожлантиришда тўсқинлик қилаётган омиллардан бири инвестиция фаоллигининг пастлиги, аксарият корхоналарнинг молиявий ҳолатининг ёмонлашуви, замонавий агротехнологик жараёнларнинг қўлланилиши доирасининг чекланганлиги ва оқибатда инвестицион жозибадорликнинг пасайишига олиб келди. Ушбу вазиятдан келиб чиққан ҳолда инвестицион фаолликни оширишда давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан бир қаторда, хусусий хўжалик юритиш субъектлари: фермер ва деҳқон хўжалигида ўз сармояларини шакллантиришга бўлган интилишни кучайтириш, молия-кредит институтларини устувор ривожлантириш, бошланғич капитални олишда микрокредитлар тизимига алоҳида эътиборни қаратиш, бирламчи ва иккиламчи асосий воситалар бозорини ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликда инвестицияларни ташкил этиш бугунги куннинг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг 2014 йил якунлари ва 2015 йилда иқтисодиётнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маъруза. //Халқ сўзи, 17.02.2015 й.
2. Массе П. Критерии и методы оптимального определения капиталовложений / Пер.с фр. – М.: Статистика, 1971. –160 с.
3. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйство. С основами аграрных рынков. Курс лекций. –М.: Ассоциация авторов и издателей. ТАНДЕМ: Изд. ЭКМОС, 1998. - 448 с
4. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2-х т.: Пер. С англ. 11-го изд. Т.1. - М.: Республика, 1992. –399 с.
5. Долан Э.Дж., Линдсей Д.Е. Микроэкономика. –Спб., 1994. - 448 с.
6. Шарп У.,Александр Г.,Бейли Дж. Инвестиции. Пер. С англ.-М инфра, 2000. -979 16 с
7. Михайлова Е.В. Финансовые рынки и их формирование в СССР.-СПБ.: СПУЭиФ,1991 7-с
8. Тумусов Ф.С. Инвестиционный потенциал региона: Теория, проблемы, практика. –М.: Экономика.1999. 13-с
9. Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш.-Тошкент: матбаачи 1993 6-б
10. Хайдаров Н.Х. Тўғридан-тўғри инвестициялар имкониятлари “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналі. № 1, сентябрь, 2011 йил
11. Тожибоев Д. Иқтисодий назария (иккинчи китоб). – Т.: Шарқ, 2003-796

12. Умаров С.Р. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш : и.ф.н. дисс. автореферати: БМА - Т., 2008. -22 б.
13. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти (дарслик). -Т.: Фан, 2005. 241б.
14. LEX.UZ инвенстиция тўғрисидаги қонун 2014 йил.
15. Муаллифнинг тадқиқоти асосида ишлаб чиқилди.